

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
БАНДЛИК НАЗАРИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

*Aminov Abdullatiif Axrop ўғли
Камбагалликни қисқартиши
ва бандлик вазирлиги, бош мутахассис*

Иш билан бандлик иқтисодий категория ва ижтимоий ҳодиса сифатида синфий ва тарихий характерга эга бўлиб, у барча замон ва даврларда, барча иқтисодий формацияларда мавжуд бўлган, фақат унинг моделлари ва шакллари ўзгарган. Классик иқтисодчилар - А. Смит, Д. Рикардо, К. Маркс, А. Маршалл, Д. Кейнс, М. Фридман, П. Самуэльсон ва бошқалар бандлик ва ишсизлик масалаларига тўхталиб ўтишган. Бу олимлар бандлик масалаларига ўзига хос ёндашишган, натижада бандликнинг турли назариялари вужудга келган:



1-расм. Бандлик назариялари

Бандликнинг классик назарияси. А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Сэй ва бошқалар бандликнинг классик назарияси вакиллари ҳисобланади. Уларнинг фикрича, меҳнат бозорида бандлик ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири билан белгиланади, иш ҳақи ва нархларни мослаштириш орқали тўлиқ бандликка эришилади, деб ҳисоблашган. Классик иқтисодчилар бозор

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади ва давлатнинг аралашуви зарур эмас деб хулоса қилишган.

Бандликнинг неоклассик назарияси. Бу назариянинг асосчилари А. Маршалл ва А. Пигудир. А. Маршалнинг фикрича, тўлиқ бандликка эришиш учун талаб ва таклифни тартибга солиш зарур. Бозор ушбу тартибга солишни автоматик равишда амалга оширади, яъни талаб ва таклиф барқарор мувозанат ҳолатида бўлганда, бирор нарса ишлаб чиқарилиб мувозанат ҳолати ўзгарса, уни аввалги ҳолатига қайтишга мажбур қиласидиган кучлар дархол ҳаракат қила бошлайди¹.

А.Пигу “Ишсизлик назарияси” асарида ишсизликнинг асосий сабабини иш ҳақининг юқорилигига деб айтади.

Бандликнинг марксистик назарияси. К.Маркс бандлик ва ишсизлик тушунчаларини ишчилар синфининг аҳволи билан боғлайди. Унинг фикрича, капитал ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бандлик камайиб, ишсизлик кўпайиб боради.

Ж. М. Кейнснинг бандлик назарияси. Ж.Кейнс ўзининг "Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" асарида бандликнинг классик назариясини танқид қиласиди, ҳамда иш билан бандлик ва ишлаб чиқариш даражасига таъсир этувчи омилларни таҳлил қиласиди. Ушбу назарияга кўра, товар ва хизматларга бўлган талаб унчалик катта бўлмаганлиги сабабли ишсизлик юзага келади. Кейнснинг фикрига кўра, тўловга қодир талабнинг пасайиши хом ашё ресурсларидан фойдаланишни камайтиради, бу эса бандликнинг ўсишини тўхтатади, натижада тўлиқ бандлик даражасига эришилмайди. Тўловга қодир талабнинг ўсиши билан ресурслар катта миқдорда ишлатила бошлайди ва бу бандлик даражасини ошишига олиб келади. Демак, бандлик даражаси унинг самарали талабига боғлиқ экан. Ж.М.Кейнс иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ишсизликни камайтиришга ёрдам беради, деб ҳисоблаган.²

Монетаристик назария. Монетаристик назария асосчилари иқтисодиётни асосий тартибга солувчилари - пул, пул-кредит сиёсати, пулнинг барқарор

¹ Яковенко, Е. Г. Экономика труда : учебное пособие для вузов / Е. Г. Яковенко, Н. Е. Христолюбова, В. Д. Мостова. – Москва : ЮНИТИ-ДАНА, 2017. – 319 с.

² Костюченко, Т. Н. Экономика труда : учебное пособие / Т. Н. Костюченко, А. Р. Байчирова, Д. В. Сидорова. – Ставрополь : Ставропольский государственный аграрный университет, 2017. – 165 с.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Эмиссияси эканлигини таъкидлашади. Монетаристик назария айирбошлиш тенгламасига асосланади:

Пул таклифи х пулни айланиши тезлиги = Нарх даражаси х бандлик ҳажми

Бандликнинг монетаристик назарияси вакиллари пул муомаласининг тезлиги доимий бўлса, пул таклифи бандлик даражасини ва нархларни белгиловчи ягона омил бўлади, деб ҳисоблашади.

Неоклассик синтез назарияси. Неоклассик синтезга кўра, нотўлик бандликнинг сабаби иш ҳақининг эгилувчан эмаслигидир. Тўлиқ бандликка эришиш учун иш ҳақи ставкасини тадбиркорлар ҳаммани ишга олиши мумкин бўлган даражага тушириш керак. Бунга нархларни ошириш, реал иш ҳақини кўпайтириш ва номинал иш ҳақини пасайтириш орқали эришиш мумкин.

Таҳлил қилинган назариялар бир – биридан тубдан фарқ қилмайди. Улар ўртасида бандлик даражаси билан иқтисодиётга давлат аралашуви тўғрисидаги фикрлар борасида умумийлик ҳам мавжуд. Ушбу назариялар ўз вақтида иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатган. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш зарурати ҳозирги вақтда ҳам бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг аксарияти томонидан қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Яковенко, Е. Г. Экономика труда: – Москва : ЮНИТИ-ДАНА, 2017. – 319 с.
2. Костюченко, Т. Н. Экономика труда. – Ставрополь : Ставропольский государственный аграрный университет, 2017. – 165 с.